

HUQUQ

32

(399)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

August

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2005

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, асосий жиноий таъйиб ва ҳусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳофазасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд ҳатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юртида сансалорликка йўл қўймаслигининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанциясини ислох қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишнинг таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишини таъминлади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзига икки баравардан кўпроқда қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ҳалқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги ҳорижий таърибга ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбуриятлар чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгилловчи 19, 25 ва 44-моддаларига мувофиқ:

1. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилиши.

Белгилансинки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



МУСТАҲКАМ ҚОНУНИЙЛИК — ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров раҳбарлигида Бош прокуратура ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2005 йил олти ойидаги фаолияти ақуналари муҳофиза қилинди.

Таҳлилларга кўра, прокуратура органлари қонунлар ижроси юзасидан ўтказган текширишлар натижа-си бўйича 83 мингдан зиёд назорат ҳужжатлари қўланиб, вазифасини талаб даражасида бажармаган 44 минг нафар мансабдор интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилари таъминланган.

Прокуратура органлари томони-дан фуқаролар, юридик шахслар, жум-ладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатини қўлаб судларга 39 миллиард сўмликка яқин 21 минг-та даъво аризаси киритилган ҳолда фуқаролик ва ҳўжалик судлари қано-атлангирган даъволар бўйича маб-лағларни ундиришда сусташликка йўл қўйилмагандлиги таъкидланди.

Барча прокурорларга фуқаролар-нинг иш ҳақи, пенсия ва нафақала-рининг вақтида тўланиши, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг ка-фолатланиши борасида йўл қўйи-лаётган қонун бузилишларини бар-тараф этиш чораларини кўриш топ-ширилди.

Қишлоқ ҳўжалигида қонунлар иж-росини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя-лаш, соҳадаги суиистеъмолчилик-

ларга барҳам бериш ишларининг самарадорлигини ошириш билан бирга, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрс-атишга жиддий эътибор қаратиш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар проку-рорлари олдида Ўзбекистон прези-денти Ислам Каримовнинг тадбир-корлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қарор ва фармонлари ижроси устидан назо-ратни янада кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Бош прокуратура ҳўзуридаги Со-лиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томо-нидан бюджетга ҳисобланган солиқ ва жарималарнинг 29 миллиард сўмдан ортиги ундирилгани айтиб ўтилиб, солиқ ва валютага оид жино-ятларнинг олдини олиш, тезкор қиди-рув тадбирларини амалга ошириш, давлатга етказилган зарарни унди-риш ишларидаги камчиликлар тан-қидқилинди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида 11 мингдан кўпроқ назорат ҳўжатлари қўллангани таъкидланиб, бу соҳада-ги қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган вазифалар бел-гилал олindi.

Жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, ҳокимликлар, фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш идорала-ри, ҳўкуматга қарашли бўлмаган таш-килотлар билан ҳамкорлик мустаҳ-камланди. Натижада мамлакатда криминоген вазиятнинг барқарор-лиги таъминланиб, оғир ва рецидив жиноятларнинг бирмунча камайиши-га эришилди. Шунингдек, диний эк-

стремизм ва терроризм жиноятла-рининг олдини олишда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд қилинди.

Жиноят ишлари бўйича суришти-рув ва терговнинг сифатини яхши-лаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чорасини тўғри таллаш, жазонинг муқарарлигини таъминлаш асосан фуқаро ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилишга йўнал-тирилганлиги эътибор қаратилиб, бу соҳада ишларнинг самарадорли-гини ошириш зарурлиги таъкидлан-ди.

Прокуратура органларида фуқа-ро ва юридик шахслар мурожаатла-рининг 19 мингта яқини ҳал қилин-ди. Қабулда бўлганлар сони 33 минг нафардан ошди. Шу билан бирга ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга эътибор қаратиш лозимлиги ўқтирилди.

Хисобот даврида қонунчилик тар-ғиботи борасида ўтказилган тад-бирлар сони 52 мингтага етди. Бу борада оммавий ахборот воситала-рининг имкониятидан кенг фойда-ланиш юзасидан кўрсатмалар бе-рилди. Шу билан бирга прокуратура органлари ходимларининг касбий тайёргарлиги ва масъулиятини оши-риш, улар томонидан ноҳўра ҳара-катлар содир этиш ҳолларининг ол-дини олиш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

Прокрор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян нати-жаларга эришилгани қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликларни барта-раф этиш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Бош прокуратураси
матбуот маркази

BU HAQDA HAY'AT MAJLISIDA GAPIRILGAN EDI

ТАҲЛИЛ ВА ТАРФИБОТ САМАРАСИ

МАСЪУЛИЯТ. ЮКИ

Тадбиркорларни мустақиллигининг илк қалдирғоч-лари дейиш мумкин. Истиқлолнинг дастлабки йиллари уларнинг парвози осон кечмаганини ҳам тан олиш жоиз. Негаки, эски тузумдан қолган қонунлар ва бир қанча сунъий тўсиқлар бунга имкон бермас эди. Уларнинг ҳаммасини бирдигана бартараф қилишининг иложини йўқ эди, албатта. Шу боис бу тўсиқлар энди босқичма-босқич олиб ташланмоқда ва бу жараён ҳозир ҳам давом этапти.

Шу мақсадда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоя қилувчи қонунларга ўзгартириш ва қўшим-чалар киритилишига қолмай, бир қанча янги қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Айниқса, прези-дентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий

ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»-ги қарори тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида олға ташланган муҳим қадам бўлди.

Юқоридаги фармонда назорат органларининг ман-сабдорлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқла-рини бузгудек бўлса, уларни ҳатто жиноий жавобгар-ликка тортган ҳолда тадбиркорлик фаолияти эркинли-ги кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни янада кучайтириш прокуратура органлари зиммасига юклатилди.

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроа кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»-ги қонунлари қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш мuddатларини ўзайтириш тартиби ва жараёнларини белгилловчи, шунингдек судга иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча қафолатларни белгилловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Шу билан бирга мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ нафақат қонунлар ва қонунности ҳужжатлари, балки идоравий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативлар ҳам қайта кўриб чиқиши зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, молия, иқтисодиёт, адлия, ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий маала комиссияси икки ой мuddатда қамоққа олишга санкция бериш бўйича прокуратура органларининг ваколатлари судларга ўтказилишини ҳисобга олиб, умумий юрисдикция судларини ташкилий-кадрлар жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати суд қарорига биноан қамоққа олиш тартиби жорий этилиши муносабати билан судьялар ҳамда прокуратура органлари, ИИБ ва МХХ тергов бўлима-лари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳомадасига киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 8 август



2005-YIL – SINAT-SALOMATLIK YILI

Йил бошида «Сихат-саломатлик йили» муносабати билан Хоразм вилоят прокуратураси органларида амалга оширилган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган эди. Дастурнинг 2-бандида прокуратура органларида ишлаб пенсияга чиққан уруш катнашчилари ҳамда ногиронларнинг санатория ва курортларда даволанишини ташкил этиш режалаштирилган. Шунга асосан 8 нафар прокуратура фахрийси тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга муҳтожлари касалхоналарда даволаниб чиқишди.

Айни пайтда вилоят прокуратурасида ишлаётган барча ходимларни август-сентябр ойлари тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг даволанишига алоҳида эътибор қаратилган. Ходимларнинг иш шaroитини яхшилаш мақсадида хизмат хоналари итиситиш-совутиш ускуналари, компьютер, факс ва бошқа техник воситалар билан таъминланди.

Ишнинг унумдорлигини ошириш ҳамда жамоадаги соғлом маъ-

навий муҳитни мустаҳкамлаш мақсадида вилоят прокуратураси ҳудудида кичик ўйингоҳ, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари қурилиб, махсус тренажёрлар ўрнатилди.

Вилоят ва Урганч шаҳар прокуратураси ходимлари ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари эрталаб соат 7 дан 8 гача вилоят прокуратураси ҳудудидаги футбол майдончасида шугулланиши учун имконият яратилган. Шунингдек, туман прокуратураларида ҳам хо-

димлар ҳафтада икки марта спорт машғулотларида қатнашишди.

Вилоят прокуратурасида ҳудудлар бўйича оператив ва техник ходимлардан иборат 6 та футбол жамоаси ташкил қилиниб, доимий машғулотлар йўлга қўйилганлиги сабабли вилоят прокуратураси жамоаси республика бўйича прокуратура жамоалари ўртасида бўлиб ўтган футбол ва теннис мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Спортга ошноклик боис жамоада ташаббускорлик муҳити ўрнатилди, меҳнат унумдорлиги ошди.

Р.МАТЧОНОВ,

Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



MUNOSABAT

ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан инсон ҳуқуқларини тўлароқ таъминлаш, эркинликларга йўл очиб беришдек улкан мақсад кўзда тутилган. Инсоннинг ашиб ҳуқуқига дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эканлиги тегишли норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Бевоқифа инсон устида тажриба олиб бориш, унинг шаъни ва қадр-қимматини пастга урадиган ҳаракатлар қилиш ҳам тақиқланади. Инсон ҳаётига қилинган қасд оғир жиноят ҳисобланади. Кўриниб турибдики мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий база ва қонунчилик фақат

битта мақсадни кўзлайди: инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш. Президентимизнинг Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилиниши мамлакатимиз тараққиётидаги катта воқеа бўлди. Бу нарсда давлатимизнинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан янада чуқурроқ интеграциялашуви учун замин бўлиши шубҳасиз.

Рашиддон АБДУГАНИЕВ,

Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



JOURNALIST SURISHTIRIVU



«ДЕ ЮРЕ» ВА «ДЕ ФАКТО» ОРАЛИГИ Тўрт эн

Ҳуқуқшуносликда «де юре» ва «де факто» атамалари бор. «Де факто» ўз номи билан содир этилган ҳаракатнинг ҳолатини ифодалайди. «Де юре» эса ушбу ҳаракатнинг юридик исботланган, далилланган, таъбир жоиз бўлса, ҳужжатлаштирилган ифодасидир. «Рост билан ёлгоннинг ораси тўрт эн», «Чуқил мулоқот билан кўзининг ораси тўрт эн» ибораси ушбу атамаларнинг мазмунига яқин келади. Гапни бу тахлит бошлаганимиздан мурод шундаки, тахририятимизга Фарғона вилояти Данғара туманида яшовчи бир ғуруҳ фуқаролардан келган аризани ўқиган киши унда келтирилган ваҳалар ҳақиқатдан ҳам содир этилаётганига, буни исботлаш мумкинлигига шубҳа билан қарашни аниқ. Ҳуқуқий ислохотлар чуқурлашган бугунги шароитда бундай ўзривонликка йўл қўйилиши мумкинлигини ҳазм қилиш қийин.

Хатда ушбу тумандан Чодаки маҳалласига газ тортишга «Роҳатой» фирма-

сининг раҳбари Муроджон Усмонов тўққиздан қилаётганлиги, одамларни ҳақоратлаб, ҳеч кимни писанд қилмаётганлиги, газ босимини созлагични бузиб ташлаганлиги, суд қарори ижро этилмаётганлиги ҳақида гап боради. Унда яна низо қўзғалганлиги, М.Усмоновнинг олдига ялиниб борибганлиги, шарт эвазига ўқунганлиги, лекин сўзида турмай газ тақсимлагич (ГРП)ни бузиб ташлаганлиги, юқори босимли газ кувурини

кичик дўконлар ва янги-янги корхоналарнинг мушташам билнолари кўзи қувнатади. Скобелев замонида қолган «Русско-азиатский банк»нинг эски биноси ҳам, чекка-чекчалардаги «хрущёвка»лар ҳам аллақандай мунғайиб қолгандек. Бозор иқтисодиёти одамларнинг турмуш тарзидан муносаб ўрин олганини бир қарашдан сезиш мумкин. Кўзойнагимизни алмаштириш учун оптика дўконига кирдик. Хизматчилар бизни хуш кайфият билан кутиб олиш-

рақами ҳам шу ерда эканлигини, статистик ва бошқа ҳисоботларни шу ерга топширишни, туман ҳокимининг иқтисодиёт бўйича ўринбосари сифатида эса у киши бунга масъуллигини исботлаб берганимиздан сўнггина Нўмонжон ака ўйлаиб қолди.

— Мурод Усмонов билан ҳақиқатан ҳам мулоқот қилганим йўқ. Боиси бу инсонга яқинлашган одам «кир» ортириб олиши ҳеч гап эмас. Бу кири эса ювиб кеткизиб бўлмайдик. Кечирасиз-

ларни тугатиб ГБСни ўрнатишга киришдик. Эртасига келсак, ГБС пайвандланган жойидан синдириб ташланган экан. Суриштириб билсак бу ишни Мурод Усмонов қилибди. Мулоқот чоғида у ҳамани ҳақоратлаб кетди. Кейин нимадир бўлиб ундан «руҳсат» тегди. Монтаж тугалланиб, маҳаллага газ берилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ГБСни олиб ташлаш ҳақида бозорқўмдан «буйруқ» берилибди...

Данғаралик

ди. Бир зумда ҳожатимизни чиқаришди. Таксичилар эса бири қўйиб иккинчиси йўловчиларни қорлайди. «Нексия» ёки «Матиз»да ҳоҳлаган жойингизга тезда етиб олишингиз мумкин. Ҳамма жойда тўқин-сочинлик сезилади.

— Мана шу чинорларнинг орасида минг ёлғиш ҳам бор, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган водийлик шоира Нодирахон Усмонова. — Ҳалқимизнинг миллий қадриятлари ҳам шу чинорлар сингари қадимийдир. Шулардан бири — одамгарчилик. Беш қўл баробар бўлмаганидек, орамизда шу фазилатдан бебаҳра одамлар ҳам бор.

Ишни Данғара тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Нўмонжон Назиров билан учрашишдан бошладик. — Келинлар, журналистмисизлар? Кеча «Адолат» газетасидан ҳам келишганди, — дея у киши бизни кутиб олди. Масаланинг моҳияти билан таништирдик.

— Машина бозори Қўқон шаҳрига қарайди, — деди у киши бизга.

Биз рад этиб бўлмайдиган далиллар билан М.Усмоновга қарашли машина бозори расман «Роҳатой» фирмаси деб аталлишини ва Данғара туманида рўйхатдан ўтганини, банк ҳисоб-

лар, маҳалла ва бошқа фирмалар билан низоини ечиш масаласида ёрдам бера олаймиз.

Ҳокимиятдан тарвузимиз қўлигимиздан тушиб чиққан бўлсак-да, қайфиятнинг туширмадик. Бизга шикоят ёзган кишилар ва бошқа мутасаддилар билан мулоқотга киришдик.

А.САИДОВ, «Фарғонагаз» корхонаси Данғара туман филиалининг бош муҳандиси:

— Чодаки маҳалласидаги янги хонадонларни газ билан таъминлаш мақсадида Қўқон шаҳри томон тортилган юқори босимли газ тармоғига уланишга рухсат берилган. Лекин монтаж даврида машина бозорининг эгаси томонидан эътироз бўлганлиги рост. Бозор эгасига тармоқ атрофида ўн метр муҳофаза зонаси бўлиши лозимлиги, бу зона машина бозорига қарашли эмаслиги тушунирилса ҳам у одам газ босимини созлагич (ГБС)ни қўйиришга мажбур қилди. Низо туфайли киши билан хонадонларда газ бўлмади.

Кимсан АХМЕДОВ, «Машъал» фирмасининг эгаси:

— Ҳақиқатан ҳам бизнинг фирма 2004 йил октябр ойида Чодаки маҳалласига газ тармоғини монтаж қилиб беришни бошлади. Маҳалла ичкарасидаги иш-

У.ЖўРАЕВ, Чодаки маҳалласи фиқароси:

— Газ кувурини тортиб, икки ойча ёқиб турдик. Лекин уч марта ярим кечаси газ тўхтаб қолди. Бир соатлардан кейин яна газ кела бошлади. Бунинг канчалик ҳавфли эканини тасаввур қилверинг. Яхшиям билиб қолдик. Булмаса заҳарланиш ёки ёнган киши ҳеч гап эмас эди. Бу узилишларнинг сабабини кейин билдик. Мурод Усмонов эъзронлик билан шу ишни қилган экан.

М.МАДАМИНОВ, Чодаки маҳалласи фиқароси, аризаچی:

— Биз бу моҳороларга қонуний ечим топиш мақсадида фуқаролик ишлари судига мурожаат қилдик. Лекин орадан бир неча кун ўтган уйимизга номаълум киши келиб, прокуратурага олдин берган аризамизни эслатди. Судга берган аризамизни қайтариб олишимизни, чунки бу ишни прокуратура ҳал қилиб беришини айтди. Бу одамни прокуратура ходими деб ўйлаб, аризамизни қайтариб олдик. Лекин Қўқон шаҳар прокуратураси ишмизни кўрмади. Кейин билсак, буни Мурод Усмонов атайин ушатириган экан. Орадан анча вақт ўтиб, қайтадан судга ариза беришга мажбур бўлдик. Лекин судга бир неча бор қақиртилганга қарамай М.Усмонов келмади. Чақирув қорозларини ўзим олиб

ОДАМГАРЧИЛИК ЎЛМАСИН

Қўқонга узок йиллар келмаган киши бу ердаги ҳаёт шарҳлардан ҳайратга тушиши аниқ. Кенг, раво кўчалар, катта-

ХАВАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги бир неча фармон ва қарорлар матбуотда эълон қилинган, уларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш, улар фаолиятига назорат органларининг ноқонуний аралашувига чек қўйиш мақсадида тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шу йилнинг 5-6 август кунлари Республика Бош прокуратурасида Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари маълумотини ошириш маркази ташаббуси билан ўтказилган амалий семинар ҳам тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги фармон ва қарорларга бағишланди.

Семинарни марказ директори Э.Абзалов кириш сўзи билан очар экан, қабул қилинган ҳужжатларнинг долзарблigni ва улардан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Сўзга чиққанлар «Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида доир Ўзбекистон Республикаси Президентини фармон ва қарорлари ва бу борадаги қонунийликка риоя этиш устидан прокурор назорати самардорлигини янада ошириш масалалари» юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айниқса, монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Г.Саидовнинг маърузаси тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар моҳиятини очиб беришда муҳим ўрин тутди. Машгулот жонли тарзда ўтиб, катнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз



Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Қурбондурди Нурметов гаалкорлар билан хирмон бошида.

FARMON VA IJRO

Нонинг бутун бўлсин, тадбиркор!

Президентимизнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган қатор қарор ва фармонлари меҳнат қилган инсон элда азиз бўлишига даъват этувчи яна бир собитқадамликдир.

Шу ўринда яна бир гап: меҳнатини оқлаб, ҳалол нон топаётган киши, ўз ҳақиға эғалиқ қилишни ҳам ўрганмоғи лозим. Агар ўз-хотирчиликка бориб, «гайир»ларнинг юзидан ўтолмай юрса, ўша роҳатидан яримта нонига ҳам шериклар топилиб қолверади.

Жомбой туман прокуратураси томонидан назорат тартибиде ўтказилган текширишлар чоғида худди биз таъкидлаган ҳолатга дуч келинди. «Алишер Навоий» номли ширкат ҳўжалигининг собиқ мансабдор шахслари тумандаги «Ғиёсиддин Усмонов» фермер ҳўжалиғига тегишли 1,7 гектар ва «Султон ота» фермер ҳўжалиғига тегишли бўлган 1,7 гектар ер майдонини фўқароларга уй-жой қуриш учун ҳўжатларини қалбақиллаштирган ҳолатда бериб юборишган.

Бу ҳусусда ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Худди шунга ўхшаш Нурубод туман деҳқон-фермер ҳўжалиқлари уюшмасидаги ноҳўзи ишларни олайлик. Уюшманинг собиқ раиси Н.Юсупов ва бошқалар соҳа истиқболини қўлаш ўрнига, фермерларга берилган 9 млн. 188 минг сўмлик уруғлик бурғойни ҳўжатларни қалбақиллаштириш йўли билан ўзлаштириб юборишган. Бу қўнғир ишнинг ҳам қўйиғи чиқиб, энди нафси ўтқон бу бандаларнинг одил суд олдида жавоб беришларига тўғри келади.

Шавқиддин ЭРҒАШЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори

OLMOQNING BERMOS'I BOR

Дилимга оғриқ берувчи фикр ҳақида сўзлашдан аввал эсимга тушган кичик бир ривоятни айтмоқчиман.

«Туша яқин уйқудан турган бир ялқов йиғит оғилхонадан 4-5 донга туҳум топиб олибди. Уни уйға олиб киргач, хушнуд ҳолатда қандай иш тутиш ҳақида фикрлай бошлабди: «Шу туҳумларни қурқ товуққа бостириб, жўжа очирсам... Улар товуқ бўлгач, сотиб яхши бир қўй олсам. Қўй ҳам эғиз туға бошласа, уч-тўрт йилда сурве бўлиб кетар-ов...». Боғли ялқов туриб-туриб қорни очганини ҳис қила бошлабди.

Қолва деган билан...

Қиссадан ҳисса шуки, қолва деган билан оғиз чўчимайди. Бунинг учун хузур-халоватдан кечиб, пешона терлатмоқ лозим.

Зарафшон шаҳар 12-кичик туман 30-уй 53-хонадонда истиқомат қилувчи ҳусусий тадбиркор Баян Алиқулова сабр-тоқатли турмушдан юз буриб, тезроқ бойиш йўллариини излар эди. У шу зайл, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Зарафшон филиалидан кредит шартномасига асосан 4 млн. 500 минг сўм маблағни қўлга киритди. Шундан кейин у пуллариини беҳуда сарфлашиб кетишига бепарво қаради. Натижада Б.Алиқулова олган кредитнинг муддати ўтиб, фоизини ҳам қўшганда 2 млн. 148 минг сўм миқдориде қарздорлик юзаға келиб қолди.

Шунингдек, ҳусусий тадбиркор Анна Звятенцова ҳам ушбу банкининг Зарафшон бўлимидан 2 млн. сўмлик кредит олган эди. Олишға олди-ю, уни қайтаришни ҳаёлиға ҳам келтирмади. Ушатиб ейишға тоғ ҳам чидамаслиғини, энди — 528 минг сўмлик қарзини тўлай олмасдан, танг аҳволда қолгандағини англай бошлади.

Начора, олмоқнинг бермоғи борлиғи табиий. Шаҳар прокуратураси ҳусусий тадбиркор Б.Алиқулова томонидан олинган кредит маблағларининг муддати ўтган, асосий ва фойз тўловларидан ҳосил бўлган 2 млн. 148 минг сўмлик қарзларини, унга қафил бўлган шаҳардағи «Престиж» ҳусусий фирмаси ҳисобидан, ҳусусий тадбиркор О.Звятенцова зиммасидағи 528 минг сўмлик қарзларни эса унинг гаровға қўйилган мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳақида вилоят прокуратурасига тақдимнома киритди.

Инсон ҳаётда нимағаки эришса, оқилона меҳнати туфайли эришади. Шундай экан, азиз тадбиркорларимизнинг ҳар бир ишға обдон ўйлаб, кейингина сидқидилдан қилишишини истардик. Зеро, қўйилган биргина нотўғри қадам ҳам улар учун қимматга тушиши турган гап.

Қурбон АХМЕДОВ,
Зарафшон шаҳар прокурори

бориб берганман. Суд сиртдан бизнинг фойдамызға ҳўқи чикарди. Моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан чикарилган ҳўқи ҳали ҳам ижро этилгани йўқ. Муродбойвачча уларға ҳам «йўл топган» шекилли...

АВТОРИТЕТ ДЕСАМ АДАШАЙМАН

Бу гапларға ишонши қўйин эди. Чўнки «Рохатой» фирмаси раҳбарининг неға бундай қалаётганиға аниқ мантқиқий ечим топа олаётган эдик. Унга

трисиз қолган эдик. Мурод акаға учрашсам, бизнинг ёнимизда барпо этилаётган автомобилларнинг газ ёниғиси билан таъминлаш шаҳобчасига йўл очиб берганлиғим учун айбдор эканлиғини айтди. Мен корхонамни қайта ихтисослаштириш мақсадида йўл томондан кўприк қурган эдим. Уларға йўл бермаслиғини тайинлади. Акс ҳолда электр ҳақини тўламаётганлиғим ҳақида «ёзиб юборишни» айтди. Мен шу заҳоти электр таъминотчим — Иссиқлик таъминоти» фирмасига учрашдим.

ни тайинлади. Биз ҳўқимиятда тўрт соат кутсак ҳам келмади. Кейин мен ҳўқимининг олдиға кирдим. У уч-тўрт кундан сўнғ хабар олишмни тайинлади. Хайрон бўлиб қичиб кетдим. 15 апрел кўни ҳўқимға учрашдим. У эса: «Ишни бошлаётганинг, Мурод ака сизға индамайди», — деди. Биз яна қозик қўқиш учун борсак, йўлни қимдир гиш билан пухта қилиб тўсиб ташлабди. Уста олиб келиб деворни буза бошласам, Мурод ака нариғи тарафдан келиб бизни сўйиб кетди. Шунда ер ресурсла-

шимни маслаҳат берди.

Йигирма кўн қўрилишни тинч давом эттирдим. 3 май кўни МХХнинг Данғара туман бўлимиға чақирдишди. Маълум бўлишча, М.Усмонов устимиздан шикоят ёзган экан. Унинг вазлари ишботланмади. Шундан кейин вилоятда қанча текширувчи идора бўлса, ҳаммаси бизни чақирди, текширди, ҳеч нарса ишботланмади. Ҳаммасига М.Усмонов шикоят ёзган экан. Охирида унинг президентға ёзган аризаси бўйича вилоят ҳўқимиятидан катта комиссия келиб, бизни текшириб кетди. Ҳозир ҳам Фарғона магистрал электр тармоқлари корхонасига мени чақирдишмоқда, иш-қилиб тинчлик бўлсин. Тўғрисиини айтсам, ишдан қўнғим қолди. Шунча ёшға кириб бунақа одами кўрмагандим. Уч ойлик текшир-текширдан қон босими, бош оғриғи орттириб олдим. Баъзи бир одамларнинг кутқуси билан тадбиркорликка бунчалик тўсиқ борлиғини билмаган эканман.

САВОЛГА ҚАРШИ САВОЛЛАР

Бу гапларға ишонши қўйин эди. Биз йўл-йўлкай туман электр тармоқлари корхонасига ҳам кириб ўтдик. Бу ерда ҳеч нарсани аниқлашниинг иложи бўлмади. Фақатгина «Рохатой» фирмаси «Қўзонэнергомарказ» билан шартнома тузганин ҳолда бирор сўм ҳам пул тўламай келганлиғи маълум бўлди.

Қизик, ҳақиқатан ҳам М.Усмонов шуналик ёмон одами? Биз Мурод ака билан учрашиш учун йўлга чиқдик. Ҳам-қуларимиздан «Рохатой» фирмаси нима билан шуғулланишини сўрадик. Маълум бўлишча, фирма вилоят бозорлари рўйхатиға киритилмаган экан. Қизик, неға унда бозор сифатида фаолият кўрсатади? Фарғона вилояти ҳўқимиятининг 2004 йил 23 сентябрдағи қарарийишига асосан вилоят бўйича автотранспорт бозорлари Фарғона шаҳар отчопари ёнида қўйилган автомобиль бозорида ва Ўзбекистон туманидағи ихтисослаштирилган автомобиль бозорида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган. Фарғона вилояти ҳўқимиятининг 2004 йил 30 октябрдағи 343-қарориде эса: «Вилоят ички ишлар бош-

қармасига вилоят давлат солиқ бошқармаси ва вилоят прокуратураси ҳузуридағи СВОЖҚК бошқармаси билан биргаликда Данғара туманидағи «Рохатой» фирмасига қарашли автомашина бозори фаолиятини тўқтатиш, қўнун бўлишишға йўл қўйган мутасаддиларға эса қўнуний ҳоға қўриш» ва зифаси топширилган. Лекин бозор ҳалиям ишлапти.

Нихоят Муроджон Усмонов билан машина бозорида учрашдик. У киши бизни ҳўш қайғифат билан қўтиб олди. Бу гапларнинг ҳаммаси тўхмат эканлиғини айтиб, ГРП ва газ тармоғини кўрсатди. Бизда ҳақиқатан ҳам гаир-қўнуний ҳеч нарса қилинмагандек тасаввур уйғонди. Шундан кейин у шикоятчиларға қарши шикоят ёзиб берди ва суратларни ҳам илова қилди. У кишининг айтишича, маҳалла ахли ундан уч юз минг сўм пул олган, боиси унинг бозориға ҳам газ тушириб бермоқчи бўлишган. Лекин газни ҳам беришмаган, пулни ҳам қайтаришмаган. ГБСни эса сабабсиз йўлнинг нариғи тарафиға қўчириб кетишган.

Ортта қайтар эканмиз, Қўқон шаҳар суд қарорларини ижро этиш бўлимиға учрашдик. Маълум бўлишча, 2005 йилнинг 12 майда фўқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган экан. Унда «Рохатой» фирмаси раҳбари М.Усмоновға маҳалла фойдасига 1.000.000 сўм моддий ва 500.000 сўм маънавий зарарини тўлаш, газни улаб бериш мажбуриятини қўнган. У бозор ҳудуди ёқалаб бўлишга газ тармоғи атрофидағи 10 метр муҳофаза зонасидан фойдаланиш ҳўқуқидан маҳрум қилинган. Шунингдек, бозор деворини муҳофаза зонасидан ташқарига олиш вазифаси ҳам юқланган. Иш суд қарорларига ижро этиш бўлимиға ўтказилиб, ижро ҳаракатлари бошланган экан. Лекин 2005 йилнинг 23 июн кўни фўқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судидан келган 674-хатта асосан ижро тўқтатилган. Чўнки, М.Усмонов суд бўлиб ўтганидан мутлақо беҳабар экан.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Нигуқ» мухбири

«СУПЕРМЕН»

қарашли машина бозори атрофида қўйлашган баъзи фирма ва дўкон эгалари билан сўхбатлашдик.

Н.ОТАКУЛОВ, сартарош:

—Мурод Усмонов тўғрисида сўраясизми? Бизни муносабатимиз тарихида ҳам бу инсон «ёрқин» из қолдирган. Менинг сартарошхона машина бозорининг ёнгинасида қўйлашган. 2002 йилда мен уни газлаштиришға русхат олдим. Ҳамма ҳўжатларни тўғрилаб бўлгач, ишчилар келиб иш бошлагач, «Рохатой» фирмасининг раҳбари келиб ишчиларни ҳайдаб юборди. «Бу ер менин жойим, қим селларға русхат берди» деб менинғ жойимдан ўтган, ҳохласам русхат бераман, ҳохламасам йўқ, давлатнинг бир тийин» деб сўйиб кетди. Шундан бери газ олганим йўқ.

Ш.ЎРИНБОВЕ, «Мухандислик» ҳусусий корхонаси раҳбари:

—Менинг корхонам машина бозори билан ёнма-ён қўйлашган. Газ моҳаросидан хабарим бор. Ҳаммаси тўғри, бу инсон менига ҳам зулм ўтказган. 2005 йил 10 апрел кўни биз келган электр симларини М.Усмонов монтеғра уздириб уйига олиб кетди. Мурод аканинг даласи орқали ўтадиган олти симёғор орқалиғидағи 1200 метр сим, 70 метр кабел йўқ қилинган, биз эса электр-

Маълум бўлишча мен эмас, корхона мендан 1700 квт қарз экан. Шундан кейин «Иссиқлик таъминоти» идорасига Мурод акани чақирдишди. У одам йиғиб олинган симларнинг ҳақини тўлаганини айтиб, дўк қилиб жўнаб кетди. Мен эртасига Мурод акаға учрашган эдим, «500.000 сўм бериб токни улаб олавер», — деди. Мен қолган симларни ечиб олиб бошқа жойдан улашмни айтдим. У эса: «Менинг русхатимсиз ҳеч нарса қила олмайсан», — деди. Шу бўғунгача электрсииз ўтирибман.

Т.ЎРИНОВ, «Автомобилларға газ қўйиш шаҳобчасининг эгаси:

—2004 йил ноябр ойида Данғара тумани ҳўқимининг шаҳобчаси ташкил этиш тўғрисидағи қарори чикади. Ҳамма ҳўжатларни тайёрлаб, архитектор, ер ўлчовчи ва бошқа мутасаддилар билан 2005 йил 8 апрел кўни менига ажратилган ерға қозик қўқиш учун бордик. Қўнқўйишларға менинғ еримнинг чегаралари кўрсатиллаётган вақтда фарб томондан чегарадош «Солиҳон ҳўжи» фермер ҳўжалиғи раҳбари Муроджон Усмонов келиб, бизға дўк қилиб кетди: «Менинғ еримда нима қилаёйсизлар, сизлар билан ҳўқимининг олдида гаплашаман». Биз ҳўқимининг қарорини кўрсатдик. У қарорини нотўғриға чиқариб, икки соатдан кейин етиб бориши-

ри бошлиғи З.Исломқулов: «Юринг, Муроджон, гаплашиб олайлик», — деб уни олиб кетди. Пайтдан фойдаланиб қозикларни қозик, саккиз машина шағал тўкиб олдик. Тўққизинчисини тўжаётганимизда у яна етиб келди. Шофёрга: «Агар тошини тўқсанг, машинаңдан ўт қўйиборамаман ёки наша солиб қаматворамаман», — деб дўк қилди. Биз бориға шуқур қилиб, эртасига тошларни ейиш учун уста олиб келдик. Мен цементға кетдим. Қайтиб келсам, усталарни Муроджон қувиб солибди. Мен Муроднинг олдиға бориб изох сўрадим. У: «Бу ерни пири Мухаммад ҳам ололмайд», — деди. Шундан кейин Данғара туман ИИБға ариза бердим. Милиция бошчилиги О.Раҳмонов мени ва Мурод акани қабул қилди ва ҳўжатларимни ўрганиб чиқди. Мурод акадан:

—Сиз неға тўқсинлик қилаёйсиз? — деб сўради.

У эса: —Бу гапларнинг ҳаммаси тўхмат, — деди.

Менинғ «Усталарни пешонанға қозик қоқаман деб қувиб юбордингизку» деган гапимға жавобан: —Тўғрилаб гапиринг, пешонанға эмас, кетиниға қоқаман деб айтганман, — деди-да, эшикни тарақлатиб ёпиб қичиб кетди. ИИБ бошлиғи бунга эътибор бермай ишмни давом эттири-



Саҳифаларимизда

Фаргона вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари

тилмоқда. Фуқаролар давлат бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш, ўзига мақбул партия номзодлари учун овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишяпти.

Мамлакатимизда демократик жамиятнинг асосий принципларидан бири — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти бир-биридан мустақил равишда қонунлар доирасида белгиланган ваколатларни амалга оширишда. Ушбу ҳокимият тизимлари самарали ишлашини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш усти-

га оид қонунлар жорий этилмоқда.

Прокуратура органлари фаолиятининг моҳияти ҳам ўзгарди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш билан бирга турмушнинг барча соҳаларида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолди.

Прокуратура ходимларининг ҳаракатлари билан вилоятда иш ҳақидан қарздорлик муаммоси ҳал этилаёпти. Прокуратура органларининг аралашуви билан

Ҳамиджон НЕМАТОВ,
Фаргона вилояти прокурори

Хуқуқий-фуқаролик жамиятининг асоси

да иш олиб борилаёпти. Хусусан, юртимизда ўтказилаётган суд ислохотлари ушбу тизим бошқа ҳокимият тизимларидан ҳақиқатда алоҳида, мустақил ишлашини таъминлашни кўзлайди.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари вужудга келтирилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, унинг мол-мулк як-каҳокимлигига барҳам бериш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, хусусий корхоналарнинг ривожланиши, жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулот чиқаришни рағбатлантириш борасидаги қонунлар янги иқтисодий муносабатларни шакллантираёпти.

Ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси-

фуқароларнинг 4.345.000.000 сўмлик иш ҳақлари тўланишига эришилди. Қатъий чоралар самарасини бериб, кўплаб корхона ва муассасалар маошларини ўз вақтида тўлаб бориш имкониятини излаб топишяпти.

Ишсизлик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни келтириб чиқаради. Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ 2005 — 2006-йилларда вилоятда 100.000 га яқин иш ўрни яратилди. Муаммонинг яна бир ечимини — хоҳлаб фуқароларга чет элда ишлашга йўлланма бериш, ишга жойлаштириш қонун-қондаларини соддалаштириш ва сўнъий ғовларни бартараф этиш лозим.

Мамлакатимизда 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати би-



Келажакка йўл кутубхонадан бошланади.

Ярашув институти амалда

Янги йилнинг биринчи ҳафтаси эди. Бағдод қишлоғида яшовчи, тўққиз фарзанднинг отаси Хайрулла Қўрчиев шийпонда Тўйчибой Қовунчаев билан гап талашиб қолди. «Жойига қўйинг палосларни», — деди унга.

— Ким бўпсизки, буорасиз?

— Тегма дедим, — унинг жаҳли

чиқиб сенсираб юборди. Тўйчибой шунга яраша жавоб қайтарганида

жаҳли чиқиб, тасур-тасур мушталай бошлади. Тўйчибой бикинини чангаллаб,

қўқолагандидаги хушини йиғди. Уни касалхонага ётқизишди. Хайрулла Қўрчиевга нисбатан жиноят иши

кўзгатилади. Терговчи айбланувчига қонунларни тушунтирди. Агар жабрланувчига

етказилган зарарини қоплаб, кечирим сўраб ярашиб олса,

жиноят иши тугатилишини баён қилди. Ушбу иш ордан бири ой ўтиб

жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судида қўрилди. Суд Х.Қўрчиевнинг

айбига тўлиқ иқролиғи, қилмишидан пушаймонлиғи, Т.Қовунчаев билан

ярашганилиги ва жабрланувчининг судланувчини жиноий жавобгарликка

тортмаслиғини сўраб ёзган аризасини инобатга олди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, аксар ҳолларда оғир жиноятлар илгари судланган кишилар томонидан

содир этилади. Жазони ўтаб қайтган шахслар турмушини изга солиш

учун ишга жойлаштирилиб, моддий ёрдам берилаётган бўлсада,

айримлари такроран жиноятга қўл уришяпти. Қонунда қўзда тутилган

ҳолларда имкон қадар озоқликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган

жазони қўллаш ёки ярашув бўйича жиноий жавобгарликдан озоқ

қилиш орқали шахснинг маънавий покчилиги шариот яратилди. Мухим жиҳати шундаки,

томонлар ярашган тақдирда айбланувчига «судланган» тамгаси босилмаётди.

Туман прокуратураси жиноят ишларини қўришда шунга алоҳида эътибор қаратапти.

М.ФОЗИЛОВ

Бағдод туман прокурори

Нажот истаб

Ишсизлик нималигини бошига тушган одам билди. Кўп жойга учрадим, иш йўқ. Меҳнат бўлимига бординг, ишга жойлаштиришда деб маслаҳат беришди. Учрадим, эртага келинг, индинга келингдан нарига ўтишмади. Оиламини қандай боқаман? Аксига олиб кўлимда бирон-бир хунар йўқ. Томоркадан олинанидан даромад мавсумий. Охири ёрдам беришларини сўраб Тошлоқ туман прокуратурасига учрадим. Эрзимни диққат билан тинглашди. Ордан кўп ўтмай, прокуратура кўмағида «Фаргонагаз-

таъминот» корхонасининг туман бўлимига ишга жойлашдим.

Яқин ўтмишда прокуратура деса, беихтиёр кишининг кўнглига гўлгула тушарди. Бугун бунинг акси. Одамлар прокуратурага ёрдам сўраб, умид билан боришяпти. Бунга ўзим гувоҳман. Ҳақли талаблар қаноатлантирилиб, бузилган ҳуқуқлар тикланаёпти.

У.АБДУРАЗЗОҚОВ

Тошлоқ тумани Гузарбоши қишлоғи



Фаргона вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Нурмуҳаммад Сулаймонов катта терговчи Шавкатжон Умрзоқов билан

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳалқимиз ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этилиши ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бундай жамиятнинг асоси — инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ва дахлсизлиги конституциямизда мустаҳкамланди. Бир-биридан мустақил қонун қабул қилувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимлари барпо этилди. Мустабид тузум даврида қабул қилинган конституцияларнинг биронтасида ҳам суд ҳокимияти тилга олинмаганди. Суд жамиятдаги адолат тамойилининг тимсоли эмас, мустабид тузумнинг жазоловчи органига айланган эди.

Президентимиз раҳбарлигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан суд-ҳуқуқ тизимида ҳам чуқур ислохотлар ўтказилмоқда. Улардан қўзланган мақсад суд-

ларни жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи органга айлантиришдир. Бунга эришиш учун салмоқли қадамлар қўйилди. «Судлар тўғрисида» қонун янги тахрирда қабул қилинди. Президент фармонида кўра судлар фуқаролик ва жиноят ишларини алоҳида-алоҳида қўришга ихтисослаштирилди. Одил судловга апелляция институти жорий этилди. Кассация ва назорат инстанциялари ислох қилинди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши тизимини ислох қилишдаги жиддий қадамлардандир. Сир эмас, бунгача фуқаролик низо-ларига иккинчи даражали иш сифатида қаралган. Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун фуқаролик ишлари бўйича судларига мурожаати йил сайин ортиб бориши

ДАВР

уларда даъвогарлик ҳисси шаклланиб бораётганидан далолат беради. Ихтисослашувга қадар, яъни 2000 йилда Фаргона вилоятидаги туман ва шаҳар судларида 8493 та фуқаролик иши қўрилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилнинг биринчи ярмидаёқ 15211 тага етган.

Шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқий онги юксалаётгани берилаётган даъволарнинг беш йил аввалгига нисбатан тўбдан фарқ қилишида ҳам кўзга ташланади. Жамият тараққиётига мутаносиб равишда даъво турлари ҳам ўзгариб бораётгани ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Кува туманидаги А
мва хар доим гавжум

(Давомии Боши 1-бетда).

Наманган вилоят прокуратураси органлари тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу борада қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан кўп ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда биз, аввало, юқоридаги фармон ва қарорларни тарғиб қилиш юзасидан махсус тadbирлар режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра тарғибот ишлари уч йўналишда олиб боришмоқда. Масалан, назорат органлари ходимлари билан бўлган учрашуларда уларнинг фармон ва қарорлардан келиб чиқадиган вазифалари, тadbиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувага йўл қўймаслик зарурлиги тарғиб қилинаётган бўлса, тadbиркорлар билан бўлаётган мулоқотларда уларга берилётган имкониятдан самарали фойдаланиш ва мунтазам равишда ҳуқуқий билимини ошириб боришлари лозимлиги тушунтирилмоқда. Учинчи йўналишда эса тарғибот ишлари маҳаллаларда бевосита аҳоли ўртасида ўтказилапти. Яқинда бундай мулоқотлар вилоят солиқ ҳамда монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаларида, Наманган шаҳри, Чортоқ, Учқўрғон, Янгиқўрғон туманларида бўлиб ўтди.

Тарғибот ишлари билан бирга тadbиркорлик субъектлари, уларга хизмат қилувчи ҳамда назорат органлари фаолияти ҳам атрофда таҳлил қилиб борилапти. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу соҳада ҳали ечимини кутаётган талай муаммолар бор. Тadbиркорлар айрим мансабдорларнинг ҳийла-ю найранглари туфайли ҳамон сунъий тўсиқларга дуч келмоқда.

БАНКАДАГИ ОЛГИРЛАР

Республикаимизда ўнлаб банклар мавжуд. Уларнинг филиаллари Наманган вилоятида ҳам ишлаб турибди. Афсуски, айрим раҳбарлар банк фаолияти ва уларнинг миқозлар билан муносабатини тартибга солиб турувчи қонун ва норматив ҳужжатларни четлаб ўтishга ҳаракат қилишмоқда. Бош прокурор Р.Қодиров «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган мақолада тadbиркорларга хизмат кўрсатувчи органлар раҳбарларининг ноқонуний ҳаракатлари танқид қилган эди. Шунга ўхшаш ҳолатини «Савдогарбанк»нинг Наманган туман бўлими фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Банкнинг солиқ бошқарувчиси Б.Тиллабоев фаолияти давомида ваколатлари суиистеъмол қилиб, туманда фео-

лият юритаётган бир неча тadbиркор номидан қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб, кредит олган ва бу маблағни ўзлаштириб юборган. Жумладан, Б.Тиллабоевнинг «ишбилармонлиги» туфайли «Турсунмуҳаммад» фермер ҳўжалиги ҳисоб-рақамига 6.000.000 сўм кредит расмийлаштирилиб, шу куннинг ўзидаёқ «Чорвадор» бурдокичилик фирмаси ҳисобига ўтказилиб, банк кассасидан нақд пул олиб чиқиб кетилган. Текширишлар шуни кўрсатадики, «Турсунмуҳаммад» фермер ҳўжалиги бошлиғи бундан бутунлай бебаҳар бўлган.

Тумандаги «Матлуботтранссервис», «Бахт-2001» МЧЖлари ва «Юсуф» хусусий фирмасида ҳам шундай ҳолатлар рўй берган. Б.Тиллабоев банкнинг бошқа мансабдорлари билан тил бириктириб, 22 нафар тadbиркорлик субъекти ва жисмоний шахсларга кредит йўзма

дири Т.Тожиахмедов вақтинча саклаб туриш учун топширилган «Кўмаки ота» хусусий фирмасининг 1.957.000 сўмлик товарларини 970.700 сўмга сотиб юбориб, пуллари ўзлаштирган. «Пахтабанк»нинг Поп туман бўлими «Найман» бўлинимаси ходими Г.Ҳолиқова эса фуқаро У.Сайдалиев билан тил бириктириб, «Ойдин» фермер ҳўжалигининг 1000 литр дизел ёнилғисини талон-тарож қилган. Уларнинг барчаси қилмишига яраша жазосини олишди.

КАССАГА ЭМАС, КИССАГА

Давлатга топширилиши лозим бўлган маблағни ва бировларнинг пулини ўзлаштиришни касб қилиб олган қосонсойлик Ҳ.Расуловнинг фаолиятига ҳам прокуратура аралашуви билан чек қўйилди. У Қосонсой туман суд ижрочилари

ҳўжалик судининг қарори билан «Намангандомаҳсулот» уюшмасидан фирманинг ҳақи қоз фойиз ундириб берилди. Ҳуллас, прокуратура аралашуви билан банкротлик ёқасига келиб қолган фирма яна оёққа турди.

Афсуски, юқоридаги қонунбузилиш ҳолати вилоятда ягона эмас. Бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Шу йилнинг олти ойи мобайнида тadbиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб, дебиторлик қарзларини ундириш юзасидан вилоят ҳўжалик судига 1.788.000.000 сўмлик 56 та даъво аризаси киритилган ҳам фикримизнинг далилидир.

Энди тасаввур қилиб кўринг, шунча маблағи ундирилган тadbиркорлар яна фаолиятини давом эттиришда. Агар 50 дан ортқ тadbиркорлик субъектини ҳар бирида 30-40 тадан одам меҳнат қила-

Бундан бир кичик корхона мисолида олиб кўрайлик. Шу пайтга қадар кичик корхона раҳбари ёки ҳисобчиси бир ойда солиқ органига 4 марта қатнаб, ўрта ҳисобда 9 турдаги бланкада ҳисобот топширган. Йил давомида эса солиқ органига 52 марта қатнаб, ўз ҳисобидан 23.100 сўмлик турли бланкаларда ҳисобот топшириб келган. Энди вилоятда рўйхатдан ўтган 20.376 та солиқ тўловчи тadbиркорлик субъекти мавжуд эканлиги, уларнинг ҳаммаси йил давомида солиқ органларига неча марта қатнаши-ю, неча сўмга бланка сотиб олишини бир тасаввур қилиб кўринг. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, бунинг учун 470.685.000 сўмлик 2.500.000 га яқин бланка кетар экан. Бу рақамларни республика миқёсида олиб кўрсак-чи?! Кўриниб турибдики, президентнинг биргина фармони билан тadbиркорларга қанчадан-қанча шароит, имконият яратиб берилди.

Шу ўринда президентнинг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги

қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармони хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Унда кичик бизнес субъектларига солиқ тўлаш ва фаолиятини давом даришга зарур бўлган бир қанча қулайлик ва имтиёзлар берилган. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратма тўлаш ўрнига ягона солиқ жорий этилган, акция солиғи солинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқни ҳисоблаш вақтида акция солиғи суммаси қамайтирилган ёки янги ташкил этилаётган корхоналарнинг ягона солиқни бир йил кечиктириб тўлаши каби имкониятлар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат президентининг фармон ва қарорлари тadbиркорларга жуда кўп имконият беради. Энди ҳамма гап бу имкониятлардан қай даражада фойдаланишда.

Ҳайлимизки, вилоятимиз тadbиркорлари бундай ғамхўрликка ҳалол меҳнатлари билан жавоб беришда ва юртимиз равнақида муносиб ҳисса қўишда. Вилоят прокуратураси органлари эса тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашда уларга кўмакдош бўладилар.

Алишер ҲУСАИНОВ,
Наманган вилоят прокурори

ТАҲЛИЛ ВА ТАРҒИБОТ САМАРАСИ

жиддларини умуман шакллантирмаган ҳолда банкдан 188.976.366 сўм маблағни ғайриқонуний равишда олган ва шериклари билан талон-тарож қилган.

Текширишларда бундай ноқонуний ҳаракатлар «Тadbиркорбанк»нинг Чуст, «Халқ банки»нинг Поп, «Пахтабанк»нинг Янгиқўрғон, «Ҳўжайамгармабанк»нинг Наманган туман бўлимида ҳам содир этилганлиги аниқланди. Қайд этилган барча ҳолатлар юзасидан жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси органлари ўтказган текширишларда шу йилнинг 6 ойи давомида вилоятда 4238 та тadbиркор фаолиятини тўхтатганлиги маълум бўлди. Биз айти пайтда улардан ҳар бирининг тўхтаб қолиш сабабларини таҳлил қилаёلمиз. Дастлабки ҳулоса шуки, тadbиркорлар фаолиятининг тўхтаб қолишига баъзи ҳолларда айрим ҳокимларнинг шовша-шовшарлик билан ноқонуний қарор қабул қилаётгани ва назорат органларининг тadbиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашуви ҳам сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолатларни бартараф қилиш юзасидан тегишли органларга тақдимномалар киритилди. 10 дан ортқ мансабдор интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 5 кишига нисбатан эса жиноят иши кўзғатилди.

Масалан, «Халқ банки»нинг Наманган вилоят филиали омбор му-

бўлинимаси ижроси вазифасида ишлаб келиб, Р.Мирзаев, М.Ўрозаев ва А.Охунов каби тadbиркорлардан йиғиб олинган 1.672.000 сўм жаримани бюджетга киритмай ўзлаштириб юборган. Қинғирлигини ҳеч ким сезмади деб ўйлаган Ҳ.Расулов 1.275.000 сўм жаримга тортилган тadbиркорлар У.Маҳмадова ва К.Бекбоев вилоят солиқ бошқармаси томонидан жаримдан озод этилганини била туриб, уларни алдаб пулини олади. Кўза кунда эмас, кундагина деганларидек, Ҳ.Расуловнинг жинояти фош этилиб, тегишли жазосини олди.

Вилоят прокуратураси корхона ва ташкилотлар билан тadbиркорлар ўртасида тузилган шартномалар қандай бажарилаётганига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Негатив, баъзи ҳолларда кўрсатилган хизмат учун тўлов вақтида амалга оширилмапти. Тadbиркорлар ҳақини вақтида ололмагани натижасида охири-оқибат банкрот бўлишмоқда.

Наманган шаҳрида жойлашган «Ислом-94» хусусий фирмаси «Намангандомаҳсулот» уюшмаси билан тузган шартномага асосан 2004 йилнинг апрел-август ойларида 132.039.000 сўмлик қурилиш ишларини бажариб берган. Лекин ордан бир йил ўтса ҳамки, уюшма фирманинг ҳақини тўламай келган. «Ислом-94» фирмасининг манфатини кўзлаб вилоят прокуратураси киритган даъво аризасига асосан

диган бўлса, 1500-2000 киши иш билан таъминланади. Уларнинг ишлаб топган даромадидан эса аввало ўз оиласи, қолаверса, давлат бюджетига наф кўради.

ВАҚТ ҲАМ, МАБЛАҒ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ

Ҳақиқий ишбилармон вақтинг қадрига етади, имкони борида бирор дақиқасини ҳам бекор ўтказмайди. Шунингдек, у ҳисоб-китобни ёқтиради, етти ўлаб бир кесади. Лекин шу пайтгача тadbиркорлар, хоҳлайдими-йўқми, назорат органлари, ҳокимиятларда эшикма-эшик юриб, қимматли вақтини совуришга мажбур эдилар. Республикаимиз президентининг «Тadbиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори тadbиркорларни ана шу муаммолардан ҳалос этди.

Энди микрофирма ва кичик корхоналар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларни солиқ органларига ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда тақдим этишди. Яъни, эски тартиб бўйича кичик корхона ва микрофирмалар солиқ органларига ҳар ойда 12 мартагача қатнаган ва жами 27 тагача ҳисоб-китоб ҳужжатларини топширган бўлсалар, энди чоракда бир мартагина зарур ҳужжатларни топширишди, ҳолос.

FAOLIYATGA NAZAR

Миллий қонунчилигимизнинг шаклланиб бориши халқнинг дунёқараш ва тафаккурига таъсир ўтказди. Энди одамлар ҳуқуқи бузилганда қайси органларга ва қай тартибда мурожаат қилиш кераклигини яхши билишди.

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида фуқароларни бевосита жойларда қабул қилаётганлиги уларни ортқча оворагарчиликдан ҳалос этди. Ўз ҳуқуқини, қонунлар моҳиятини англаган тadbиркор фаолиятдан жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Аммо назорат органларининг айрим ходимлари бунинг ҳисобга олишмапти.

Фуқаро А.Исмоилова вилоят

ҚОНУНИЙЛИК МЕЗОНИ

прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди. Унда Бухоро шаҳар санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари унинг клиникасида асосий равишда текшириш ўтказиб, маъмурий жавобгарликка тортигани билдирган.

Мазкур ариза юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, тadbиркор А.Исмоилова 2004 йил 28 апрелда Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғига ариза билан мурожаат қилиб, фаолиятини вақтинча қонуний тарзда тўхтатган. Солиқ инспекциясидан бу ҳақда СЭНМ бош врачига маълумотнома тақдим қилган. Аммо 2004 йилнинг 25 сентябр кун

шаҳар СЭНМ ходимлари тadbиркорнинг фаолиятини асосий равишда текширишди. СЭНМ бош врачининг қарорига асосан А.Исмоиловага МЖТКнинг 53-моддасига асосан ноқонуний равишда 19.500 сўм жарима солинган. Вилоят прокуратурасининг протестига биноан мазкур қарор бекор қилиниб, А.Исмоилованинг ҳуқуқи тикланди.

Мурожаатларнинг аксарияти меҳнатга доир муносабатлардаги муаммолар ҳақида. Вилоят прокуратурасига фуқаролардан тушган мурожаатлар ўтган йилдагига қараганда 409 тага ошган.

Жорий йилнинг шу даврига қадар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси бўйича корхона ва ташкилотларда 11 та текшириш ўтказилган. Қонунга хилоф ҳолатларни бартараф қилиш тўғрисида 14 та тақдимнома киритилган.

Дастлабки ярим йилликда вилоят прокуратураси органларида 155 та юридик шахс қабулда бўлган. Масалан, «Бухоросувхизмат» акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ ходимлари иш ҳақи ва нафақалар вақтида тўланмаётганлиги тўғрисида арыз қилишган. Прокуратура аралашувидан сўнг ишчиларга берилмай келган 898.159 сўмлик иш

ҳақи ва нафақа пуллари тўланиши таъминланди.

Қайд этилган давр мобайнида вилоят прокуратураси органларига мансабдорларнинг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида 125 та ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 102 таси ҳал этилган. Шикоятларнинг 10 таси қаноатлантирилиб, 10 та ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилган. Афсуски, қонун бузилишига йўл қўйганлар орасида ҳуқуқ-тартиб органларининг ходимлари ҳам бор.

Фуқароларнинг ҳар бир аризасини ҳал этишга масъулият билан ёндашамиз. Зеро, ҳар бир фуқаро қонун ҳимоясида.

Бобир СОБиров,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ТАНЛИ

Бугунги кунда мамлакатимиз тинчликсевар давлат сифатида халқро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга. Бахтимизга халқимиз тинч-тотув яшамокда. Миллий анъаналаримиз тикланиб, масжид ва мадрасалар халқимиз ихтиёрига қайтариб берилди. Ватандошларимизнинг ҳаёти бориши учун кенг имкониятлар яратилди. Тошкентда имом Бухорий номидаги Ислом университети ва унинг қошида махсус исломий таълим муассасалари таъсис этилиб, фаолият юртимокда. Ўзбекистон конституциясининг 31-моддасида ҳамма учун эътиқод эркинлиги кафолатланган. Унга қўра ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи эга. Диний қарашларни мажбуран сингдириш тақиқланади. Айни пайтда юртимизда исломга эътиқод қилувчилардан ташқари 15 та диний конфессия вакиллари ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Шундай бўлса-да, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни кўра олмайдиғанлар ҳам йўқ эмас. Лекин бунга фақат бизнинг жамиятгагина тегишли ҳодиса деб қарамаслик лозим. Ҳозир инсониятга жиддий хавф солаётган иллатлар — диний экстремизм, фундаментализм ва терроризмдир. Минг афсуски, бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм уйғунлашиб кетиб, бир-бирини тўлдирувчи қучага айланган. Диний экстремизм ўз мақсадига қонуний эришиш йўлидан бориш ўрнига радикал усуллардан, асосан терроризмдан фойдаланаётти. Экстремистик оқимлар террорчилар учун ўз сафларини тўлдиришда мафкуравий платформа вазирасини бажармоқда.

20-аср улкан илмий кашифотлар, ахборот ва юксак техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга бу асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониш даври ҳам бўлиб қолди. Жаҳондаги энг йирик динлардан бўлган ислом ҳам шу каби ялпи интилишлардан, тарихга қайтишдан четда қолгани йўқ. Мусулмон дунёсида ва ҳатто унинг ташқарида ҳам ғоят хилма-хил, баъзан зиддиятли тушунчалар, радикал ва фундаменталистик руҳдаги оқимлар пайдо бўлди. 19 — 20-асрларда ислом оламида бир қанча фирқалар, жумладан, «Ваҳхобийлик», «Ахмадия», «Ҳизбут-таҳрир», «Ҳизбуллох» вужудга келди.

Собиқ СССР ҳудудига экстремистик руҳдаги диний фирқаларнинг пайдо бўлиши ўзига хос тарихга эга. Коммунистик тузумнинг емирилиши натижасида пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ МДХ давлатларига диний фундаментализм кириб келиши учун замин яратди. Бу ҳол ислом динидагина эмас, балки яҳудийлик, христиан конфессиялари — православ ва католик черковларида, баптистлик ва бошқа жамоаларда ҳам рўй берди.

Инсоният тарихида одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас,

балки вайрон қилувчи куч сифатида фойдаланилганига мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ўз динининг ҳақиқийлигига қаттиқ ишониш, ғайридинларга муросасиз бўлишдан иборатдир. Бундай ишонч зўравонлик қаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратди. Аслида диний фундаментализм ҳар қандай дунёвий давлатни, демократияни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни инкор қилишдан иборат. Диний экстремистлар бошқа дин ва дунёвий давлатлар тараққиётини нафақат инкор қилади, балки улар-

ди.

Ваҳхобийлар босқинчилик ва талончиликни касб қилиб олишадди. Ҳатто 1810 йили пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак масжидини ҳам талон-тарож қилишди ва ўғирланган мулкни 100.000 талер қумуш тангага сотиб юборишди.

Мамлакатимизга ўз гоёларини олиб кирмоқчи бўлган экстремистик оқимлар-

шидан иборат 60 дан зиёд гуруҳлар ташкил этилган. Уша пайтда «Адоллат» ҳаракати фаоллари махсус гуруҳлар тузиб, кечки пайт ўз маҳалласидан ташқарида юрган кишиларни тўхташиб, уларга нисбатан тажовуз-корлик



ни таъқиб ҳам этади.

Исломий маърифат тақиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги ислом дини мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил чаламулларлар ҳозирги кунда диндан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда. Бунга мисол тариқасида «Ўзбекистон ислом ҳаракати» (раҳбари Тоҳир Йўлдош)ни келтириш мумкин.

Ҳўш, исломий характердаги экстремистик оқимлар қаерда, қачон ва қандай пайдо бўлган? Улардан баъзиларининг тарихига тўхталиб ўтамыз.

«Ваҳхобийлик» диний-сиёсий оқим бўлиб, 18-асрда Арабистоннинг Наҳд воҳасида юзага келган. Ваҳхобийлар динномидан иш кўрган ва уни пайғамбаримиз давридаги асил ҳолатига қайтариш, барча мусулмонларни яшил байроқ остида бирлаштириш ғоясини илгари суришган. Ваҳхобийлик ҳаракати 19-асрнинг бошларида жуда кучайиб, бу оқимнинг пешвои Абдулваҳхоб

дан яна бири «Тавба» бўлиб, унга Боқуда хожи Абдулла Озарбайжоний асос солган. Юртимизда бу ҳаракат 1991 йилда намён бўлиб, унинг фаоллари — қирғизистонлик Йўлдош Турғунбоев, Абдували Йўлдошев ва Исҳоқ Жабборовлар Наманган шаҳридаги «Отанулохон» масжидида ғайриқонуний равишда фаолият олиб борганлар.

Ҳаракатнинг мақсади ваҳхобийликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли орасида конституцион тузумга қарши тарғибот ишларини олиб бориш, республикада ислом давлатини тиклаш шиори остида ҳокимиятни ҳар қандай йўл, ҳатто террор йўли билан бўлса ҳам, эгаллашдан иборат бўлган.

Тавбачилар аксарият водийлик йигитларни тўплаб, асосан Тожикистон ҳудудидидаги махсус лагерларда покисонлик мутахассислар ёрдамида ўқитганлар. Ҳаракат аъзоларининг ҳар бирига камида 11 кишини ўз қаторларига жалб қилиш мажбурияти юклатилган.

Юртимизда тавбачиларнинг 100 га яқин аъзоси қўлга олинди, ҳаракат фаолияти тугатилди. Абдували Йўлдошев ҳарбий ҳаракат чоғида ўлдирилди.

Шунингдек, истиқлол арафасида мамлакатимизда «Ислом уйғонish партияси» номли оқим ҳам вужудга келди. У 1989 — 1991 йилларда фаолият кўрсатиб, мутаасиб жамоалар унинг ташкилотчиси бўлишган. Уларнинг ғоясига қўра, дунёвий ҳокимият барча ишларни диндорлар билан бамаслаҳат қилиши ва қилган ишлари ҳақида ҳисоб-китоб бериши керак эди. Айни шу партия Тожикистондаги тартибсизликларни келтириб чиқарди. 1991 йили Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда бу партиянинг фаолияти тугатилди.

Энди «Ислом лашкарлари» ва «Адолат» оқимлари ҳақида икки оғиз сўз. 1990 — 1992 йиллари Наманган вилоятидаги «Отарилхон» жоме масжидида Абдулла Ўтаев ва Тоҳир Йўлдош бошчилигида 100-200 ки-

чилишиб, ичкиликка қарши кураш баҳонасида бегуноҳ одамларни масжидларнинг олдидаги устунларга боғлаб қўйишган. Ҳозир қувғинда бўлган «Адолат»нинг баъзи фаоллари ва «Ислом лашкарлари» оқимининг раҳнамоси Тоҳир Йўлдош тожик муҳолифатига қўшилишган. Жума Намангоний эса Америка ҳарбийлари томонидан Афғонистонда ўлдирилган.

1992 йил 17 мартдан апрелнинг



охириларигача бўлган муддатда уларнинг фаолияти тугатилди. Бу диний экстремистлар бошқа мусулмонлардан ажралиб туриш учун ўзларига умумий белгиларни ҳам танлаб олганлар. Булар узун соқол қўйиш, намозда икки оёқни кенг қилиб туриш, қўлларни кўкракда боғлаб туриш, баланд овозда «омин» дейиш ҳамда суннат намозларини масжидда ошқорра ўқимасликдан иборат бўлган.

Мамлакатимизда «Ҳизбут-таҳрир» норасмий партияси ҳам фаолият кўрсатиб, юқорида қайд этилган оқим ва гуруҳлардан фарқли равишда кўпгина хунрезликларни амалга оширдилар.

«Ҳизбут-таҳрир» сиёсийлашган диний партия бўлиб, 1953 йили Исроилда пайдо бўлган. Унинг асосчиси Мисрдаги «ал-Азхар» университетини тамомлаб, Қуддус шаҳрида шаръий шикоят судининг аъзо-

си лавозимида ишлаган шайх Тақийуддин Набихоний (1909-1979) бўлиб, Иорданиядаги «Мусулмон биродарлар» диний-сиёсий ташкилоти раҳбарларидан бири ҳисобланади. У ақидада ташкилотдагилар билан келиша олмай, улардан ажралиб чиқиб ўз қарашларини «Ислом низоми», «Ислом оламида қайноқ нидолар», «Ҳизбут-таҳрир»нинг тушунчалари» каби рисола-ларда баён қилган.

«Ҳизбут-таҳрир» бузғунчи, мутаассиб оқимлар тоифасидан бўлиб, унинг асосий мақсади халифаликни тиклашдан иборат. Бу оқим ислом дини ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган кишилар, хусусан ёшлар онгига халифаликни тиклаш ғоясини сингдириб, уларни мана шу ушалмас орзу йўлида ўз моли, қуч-қуввати ва ҳатто жонини ҳам қурбон қилишга тарғиб этади ва бунини шахидлик деб баҳолайди. Бу оқим ўша вақтнинг ўзидаёқ ислом оламида кескин танқидга учради. Афсуски, дунёимиздаги айрим илмисиз кишилар бу оқимни дин деб ўйлаб, ўзлари билмаган ҳолда унга кириб кетдилар.

Юқорида айтганимиздек, диний экстремизмнинг бошқа кўриниши — терроризмдир. Терроризм бугунги кунда халқро даражада намён бўлмоқда. Сўнгги йилларда турли мамлакатларда мудҳиш терактлар содир этилди. Тожикистондаги 1992 йилги қонли тўқнашувлар, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган фожевалар, 2002 йилнинг октябр ойида Москва шаҳрининг «Норд-Ост» театрида содир этилган хунрезликлар ҳамда 2004 йил 1 сентябр кунин Россиянинг Беслан шаҳридаги мактабда уюштирилган терактлар бунга мисол бўла олади.

Халқимиз ҳам террор балосини бир неча бор бошидан ўтказди. Шундан энг охиргиси 2005 йил 13 майга ўтар кечаси Андижон шаҳрида содир этилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Терроризм ва террорчи тушунчаси 18-асрнинг охириларида пайдо бўлгани ҳолда, 1970-йилларга келиб бу атама сиёсий мақсаддаги зўравонликни акс эттирувчи ата-

мага айланди. Даҳшат қўламини кенгайтириш учун террорчилар омма кўп тупланадиган дўкон ва вокзаллар ҳамда сиёсий партияларнинг, давлат органларининг биноларини портлатиш, аҳолини, давлат ва жамоат арбобларини,

дипломатик ходимларни, чет эл фуқароларини гаровга олиш, самолётларни олиб қочиш каби усулларни қўллаб бошладилар.

Терроризм қайси кўринишида намён бўлмасин, ҳар бир давлатнинг қонуinchилиги билан тақиқланади. Хусусан, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 155-моддасида терроризм жиноятини содир этганлик учун жазо чоралари назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, диний ақидаларастлар, террорчилар учун миллат, ёш, чегара ва диннинг аҳамияти йўқ. Шундай экан, бугунги кунда хушёр бўлишимиз, таниш-билиш ва яқинларимизнинг тўғри йўлдан адашмаслиги учун ҳар бир инсон ёрдам беришимиз лозим.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Тошкент вилоят
прокурорининг катта ёрдамчиси

TV ANONS

«ҚАБЪОҲАТ»

Эркак аёл, ёшу қарини, ҳуқуқни химоя қилувчи орган ҳодимларини тирик қалқон қилиб олган жиноятчилар уларни ўзларининг манфур мақсадлари сари мажбуран етаклаганлиги филмда ўз аксини топган. Тошбабин террорчиларнинг жirkan қиёфасида бировнинг «чўнтагига» қўл солиб, тажовуз қилиш нияти ҳам маъжуд бўлганига ғувоҳ бўлади. Қуролланган жиноятчилар гаровдагиларни ортларидан юришга мажбур этишган. Бўйсунмаганлар эса террорчиларнинг жонли қалқонига айланган. Муқдаснинг тайини йўқ тўда конституциявий ваколатга эга ҳокимият биноси олдида тўпланиб, қануна эид, бажариб бўлмайдиган талабларни ўртага қўйган.

Филмдаги воқеалар тафсилоти шундан дарак берадики, бу экстрем

мистик қўллар ўта оғир жиноятларни содир этиш учун узок вақт мобайнида мамлакатимиздан ташқарида тайёр-гарлик қўришган.

Ҳужжатли филмнинг кейинги қисмларида беғуноҳ инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлганларнинг қилимшлари янада ойдинлашган. Улар нафақат ҳарбийлар ёки тинч аҳолига, балки беғуноҳ шифокорларга ҳам тажовуз қилишган. Республика шовилинги тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон вилояти филиали шифокорлари Одижон Аҳмедов, Орифжон Рустамов ҳамда ҳайдовчи Иброҳим Мансуровлар террорчилар ўқудан жароҳатланганларга ёрдам кўрсатиш учун тез ёрдам машинасида воқеа


Андижонда террорчилик ҳаракатлари содир этилган, қўчиликни фожиа сабабчилари қимлиги қизиқтирапти. Жаҳлат ботқоғига ботган террорчиларнинг ваҳшийликлари ҳақида тергов материаллари асосида тайёрланган «Қабоҳат» номли ҳужжатли филмда батафсил ҳикоя қилинади. Бош прокуратура кўмағида тайёрланган филмда реал воқеалик айбланувчи ва жаҳланувчиларнинг кўрсатмалари билан аққол акс этган.

жойига етмасдан туриб, ўқда тутиладилар. Натижада уларнинг барчаси ҳалок бўлишган.

Ҳаётда қимдир азгуликни ўзига шир қилиб яшаса, баъзилар ўзини турли қабих йўللарга уришади. Бир гуруҳ террорчиларнинг қабоҳати таърихнинг қора саҳифаларидан жой олишига шубҳа йўқ. Оди суд бу борада ўз сўзини айтиди.

Светлана ОРИТҚОВА,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

P.S. Мазкур филмнинг учинчи қисмини шу йилнинг 12 август кунин «Ўзбекистон» телеканалнинг кечки дастурида томоша қилишингиз мумкин.



— Харидор келгунча мот қилишим керак...
Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат.

TASHABBUS

Бугун воқеа етмаганлар билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд ва уларни ҳал этиш борасида нима қилинаёпти?
Ўсмирларга эътибор талаб даражасидами?

ЁШАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Каттакўрғон шахридаги «Воёга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий химоя қилиш маркази»да ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари иштирокида ўтказилган учрашувда бу саволларга қисман бўлса-да, жавоб олинди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 44 фоизини воёга етмаганлар ташкил этаётганининг ўзи ўсмирлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш муаммоларининг қанчалик долзарб эканлигини кўрсатади. Ҳокимиятлар ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилиниши бу йўналишдаги ишларда кескин бурилиш ясади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Бош прокуратурасининг 2004 йил 22 июндаги «Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғини бажариш борасидаги ишлар доирасида Каттакўрғон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳардаги педагогика коллежиди «Воёга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий химоя қилиш маркази» очилди.

Марказда бекор юрган ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш, шаҳарда истиқомат қилувчи оилавий муҳити яхши бўлмаган ўсмирларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказиш чоралари қўриляпти. Бундан ташқари марказ қаровисиз қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ҳам иш олиб бораёпти.

Яқинда бу ерда Республика Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи И.Жасимов ва Самарқанд вилоят прокурори А.Азизов билан шаҳар ёшлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотни шаҳар прокурори М.Ҳамидов олиб борди.

Меҳмонлар коллежда «Миллий урф-одатлар, расм-русумлар, аъналаримизни ёшлар онгига сингдириш» мавзусида ўтказилган очик дарсда ҳам иштирок этишди.

О.ЭШМУРДОВ,

«Адолат сари» газетаси муҳбири

Моҳият

Халқнинг қалбига узоқдан қўл солиб бўлмайди, қўл солиш учун унинг олдига бориш керак.

Абдулла КАХХОР

FUTBOL

СЎНГГИ БЕШ ДАҚИҚА: Ё ГАЛАБА, Ё ЯНА ТЎРТ ЙИЛ...

Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу пайтгача икки марта: ЖЧ-98 ва ЖЧ-2002 саралаш бахсларида катнашган бўлса, биронтасида ҳам охириги турга «нол» ютук билан сўнгги поғонада етиб келмагани (иккинчи босқич назарда тутиляпти). Бу йилги ҳал қилувчи саралаш ўйинларида эса мана 5 тур ўтдики, биттаям ютук йўқ, нуқул мағлубит, ораси дуран... Натижа қандай эканини яхши биласиз: атиги 2 очко тўплаган ҳолда сўнгги ўринда туримиз. Шундай бўлса-да, сабр-тоқатли муҳлислар ҳар доимидек ҳамон умидини узгани йўқ. Германия биз учун етиб бўлмайдиган манзилга айланиб боргани сайин неғадир у яна қайтадан порлаётгандек... Аслида, умид қилишимизга асосимиз ҳам бор-да! Қанақасига дейсизми? Охириги турга келиб, эсласангиз, аввалги саралаш бахсларида тақдиримиз бировларнинг қўлида эди. Бу гал эса ҳаммаси ўзимизга

боғлиқ, яъни, 17 августда Қувайтга мағлуб этсак бўлди. Энг муҳими — Ўйин Тошкентда бўлди. Термамиз учун 6-турдаги биргина галаба Германия томон яна бир эшикни очибди мумкин. Ана ундан сўнг плей-офф: Бахрайн, ундан-да ўтласак, Шимолий Америка вақили...

Дарвоқе, бутун дунёда ЖЧ-2006 саралаш ўйинлари кузда ниҳоятгача етди. Биз учун ҳам бахслар кузда яқунланганини истар эдик. Ҳуллас, жўжани кузда санайдилар. Шу боис ҳозирча ҳеч кимни ва ҳеч нарсани танқиду ташлил қилмай турамиз. Ахир бу — футбол! У эса 90 дақиқа давом этади. Тўғри, ҳозирча 85 дақиқа вақтни бек бергандаймиз. Бироқ барча масала сўнгги 5 дақиқа ичинда тўлиқ ҳал бўлиши ҳам мумкин. Буни эса футболни чин дилдан севувчи ҳақиқий муҳлислар жуда яхши тушунишади.

Элмурод НИШОНОВ

BU QIZIQ

АНТИҚА ҚУРОЛЛАР

Матбуотда ахён-ахёнда кўзга ташланмиқ қолаётган материалларга қараганда ҳозирги пайтда баъзи мамлакатлар олимлари антиқа қуроллар яратиш устида бош қотираётган экан. Бу қуроллар янги физикавий тамойилларга асосланган эмиш.

Бундай қуролларга эга бўлган давлатлар душман ҳудудига атом ёки нейтрон бомбаси ташламайди, самолёт ва танклар ёрдамида тинч аҳолини қириб юбориб, жаҳон ҳамжамияти наздида «қотилга айланмайди. Улар ўз юртиларида гўёки тинч меҳнат билан машғул бўлишади. Душман давлат ҳудудига эса кўз қўриб, қулоқ эшитмаган «табиий офатлар» содир бўлаверади. Гоҳ экинларни чигиртка босади, гоҳ осмондан шаррос жала қуйиб, сел келади. Гоҳида эса зилзила бўлиб, минглаб кишилар бошпанасиз қолади. Бундай давлат энди қўшилари билан рақобат қилишни эмас, балки бир амаллаб омон қолиш йўллариини қидиришга тушади. Янги физикавий тамойилларга асосланган қуролларнинг баъзиларини ҳатто оммавий қирин қуроллари сирасига ҳам қиритиш мумкин. Келинг, шундай қуроллардан баъзилари хусусида мушоҳада қуртайлик.

Гипнозчи магнетрон деб аталган радиостастота қурли ёрдамида одамларга электромагнит тўлқинлар билан таъсир кўрсатилади. Бу қурол қисқа столли тўлға ўқшаш бўлиб, маълум бир йўналишга қарата ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларни тарқатади. Тадқиқотларнинг кўрсатишча, бундай тўлқинлар таъсирида инсон вужудига турли салбий ўзгаришлар содир бўлади, юрак уриши бузилади, баъзан у тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Бундай қурол билан таъсир кўрсатилганда, кишилар қўпинча «ччки бир овозни эшитиб, унга бўйсунадилар. Айтилик, учувчи самолётини буюрлиган аэродромга қўндиради, радист барча махфий маълумотларини «очик матн» билан бера бошлайди.

Бундай қурол ёрдамида рақибнинг радиоэлектрон тизимига таъсир кўрсатиб, катта ютукка эришиш мумкин. Айтилик, қисқа столли битта тўпни орқалаб олган битта аскар 150 чакирим масофадан туриб рақиб давлатнинг бутун бошли аэродроми ишини издан чиқариши, унинг шай турган жанговар ракетапарни учирмай қўйиши ёки жойида портлатиб юбориши мумкин.

Россиялик олимлар ҳозирги пайтда иқлимни ўзгартирадиган «метеорологик қурол»нинг имкониятларини ўрганмоқда. Қуролнинг номида қўрилиб турибдики, унинг ёрдамида иқлим ўзгартириб юборилиши, атмосферада содир бўлаётган жараёнлар тезлаштирилиши ёки умуман тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бу қуролни илк бор америкаликлар Вьетнамга қарши урушда синаб қўрган эдилар. АҚШ учувчилари махсус химиявий бомбаларни портлатиш йўли билан Вьетнам қўшилари жойлашган деб тахмин қилинган ҳудуд осмонда «ёмигрил булутлар» ҳосил бўлишига имкон яратгандилар. Бир неча километрга қўзилган минглаб мегатонна ёмигр сувини ўзига жо этган бу булутлар рақиб қўшилари жойлашган ҳудудга етиб келганда, учувчилар уларга қарата портлаганда атрафга йодланган қумш сочадиган снарядлар отишган. Натижада минглаб мегатонна ёмигр суви ерга қўйилиб, дахшлати сел келган ва йўлидаги барча нарсани ювиб кетган. Худди шу йўл билан, аммо тескари ҳаракат қилиб, яъни ёмигрил булутларни тарқатиб юбориб, сунъий қуроқчилик ҳам ҳосил қилиш мумкин экан.

Ноанъанавий қирин қуролларидан яна бири сейсмологик қуролдир. Бу қурол хусусида ҳам қўпбал ривоятлар мавжуд. АҚШ хоҳлаган пайтда ер қуррасининг хоҳлаган нуқтасида зилзила қилиш имконига эга эканлигини яшириб ўтирмайди. Россия олимлари ҳам, бошқа йирик мамлакатлар олимлари ҳам шундай қурол яратиш устида иш олиб бораётганлиги хусусида матбуотда ора-сира материаллар чиқиб қолади. Бундай олиб қаралса, ушбу қуролни яратиш ҳақиқатга яқин бўлиб туюлади.

Бунда албатта биринчи навбатда ер ости тектоник қатламларининг ўзаро бириккан жойларини аниқлаш талаб этилади. Бундай нуқталарда мувозанатнинг издан чиқарилиши тектоник қатламларининг жойидан силжишига ва натижада зилзилалар юз бериши, вулкнлар отилиши, океанларда эса дахшлати цунамилар содир бўлишига олиб келади. Сейсмологик қурол юқорида тилга олинган «сув бомбаси» ёки «гипнозчи магнетрон»лар сингари алоҳида бир қурол эмас. Чунки ўша зилзила, цунами ҳамда вулкнлар тектоник қатламлар бириккан жойларда атом бомбаси ёки катта оғирликдаги оддий бомбаларни портлатиш орқали юзага келтирилади.

Матбуот хабарлари асосида йўлдosh ПАРДА тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ф.Шаймановга отаси

САМАД ОТАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Республика Бош прокуратураси жамоаси Самарқанд вилоят прокурори А.Азизовга акаси

Ахбор АЗИЗОВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ф.Шаймановга отаси

САМАД ОТАНИНГ

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурори А.Азизовга акаси

Ахбор АЗИЗОВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

HUQUQ
yuridik gazeta

Та'сисчи:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdulloliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Abdualim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul ko'ib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Maxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tiptor ahamiyatiga molik materiallar b'bekisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 761.15385 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: H.NISHONOV
Musahhili: Adolat MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta
haftaning
chorshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda

Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 : 7 8